



# ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИККА АСОСЛАНГАН ШҲТ САММИТИДА МУЛОҚОТЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 4 июль куни Остона шаҳрида ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Қозғоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган гадабирда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Эрон Ислам Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Муҳаммад Мухбир, Хитой Халқ Республикаси Ранси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислам Республикаси Бош вазир Шайбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Ҳиндистон Республикаси ташқи

ишлар вазири Субраманьям Жайшанкар, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Чжан Мин ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Руслан Мирзаев қатнашди. Кун тартибига мувофиқ, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан очиқ фикр алмашилди, ШҲТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон раҳбари саммит иштирокчиларини қутлар экан, Қозғоғистоннинг ШҲТга раислиги натижаларини юқори ба

ҳолади, шунингдек, Беларусни ташкилотга аъзо бўлгани билан самимий табрикларди. Мамлакатимиз етакчиси ушбу саммит халқаро вазият кескинлашадиган бир шариоитда ўтаётганини қайд этди. — Бундай мураккаб вазиятда ШҲТнинг асоси бўлган тамойилларга содиқлигимизни сақлаш ва янада мустаҳкамлаш фавқуллодда муҳимдир. Ана шу тамойиллар туфайли Ташкилот бугунги ютуқларга эришди, халқаро масалаларда юксак нуфуз ва барқарорлаштирувчи ўринга эга бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз “Шанхай руҳи”нинг асосий тамойилларига — ўзаро ишонч ва манфаатдорлик, тенглик, маданиятлар ранг-баранглигига ҳурмат, блоклардан холи мақомни сақлаб қолиш, қарорлар қабул қилишда консенсус принципига қатъий амал қилишни давом эттиришга қақирди. Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, бугунги воқеада ШҲТ ҳамжиҳатлиги заифлашишига йўл қўймаслик муҳимдир. “Биз “ШҲТ оиласи” жиқслигини кучайтиришимиз, биргаликда ривожланиш

тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиб, очилаётган янги имкониятлардан максимал даражада фойдаланишимиз зарур”, деди Шавкат Мирзиёев. ШҲТ мамлакатларининг улкан ривожланиш салоҳиятини рўёбга чиқариш учун иқтисодий шерикликнинг янги моделини шакллантириш ва барқарор ривожланишнинг узоқ муддатли кун тартибини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Ўзбекистон раҳбари ШҲТ олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида сўз юритар экан, қуйидагиларга эътибор қаратди.

Глобал даражада ишонч тақчиллиги мисли кўрилмаган даражага чиққан шариоитда умумий хавфсизлигини таъминлашда янги ёндашувларни излаш зарурати ўсиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамжиҳатлик бўйича Самарқанд ташаббусини амалга ошириш долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

➔ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли раис!

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити барча иштирокчиларини қутладан маннунман. Қозғоғистон Республикаси Президенти хурматли Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаевга самимий қабул ва бугунги учрашувимиз юксак даражада ташкил этилаётгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Беларуснинг ШҲТга қўшилиш жараёни якунига етгани билан табриклайман. Бу, ҳеч шубҳасиз, шерикликнинг қўшимча имкониятларини очди. Ушбу воқеа муносабати билан хурматли Александр Григорьевич Лукашенкони самимий қутлайман.

Биз Қозғоғистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига фаол ва самарали раислиги якунларини юксак баҳолаймиз, бугунги мажлисимиз кун тартибига киририлган масалалар ва қарорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаймиз.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Ушбу саммит халқаро вазият кескинлашадиган бир шариоитда ўтмоқда. Янги вайронкор моҳоролар пайдо бўлмоқда, глобал ва минтақавий хавфсизликка хавф ва таҳдидлар кучайиб бормоқда. Бу давлатлар ўртасида ўзаро ишонч камаётган, қарама-қаршилик ва зиддиятлар ортиши натижасида геосиёсий кескинлик тобора ўсаётган вазиятда кечмоқда.

Халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойиллари тез-тез бузилмоқда. Тобора кучайиб бораётган инқироз ва муаммоларни ҳал қилиш бўйича жаҳон ҳамжамиятида мавжуд бўлган вогиталар, афсуски, ўзининг самарадорлигини йўқотди.

Бундай мураккаб вазиятда ШҲТнинг асоси бўлган тамойилларга содиқлигимизни сақлаш ва янада мустаҳкамлаш фавқуллодда муҳимдир. Ана шу тамойиллар туфайли Ташкилот бугунги ютуқларга эришди, халқаро масалаларда юксак нуфуз ва барқарорлаштирувчи ўринга эга бўлди.

Келгусида ҳам “Шанхай руҳи”нинг мустаҳкам замини бўлган тамойиллар — ўзаро ишонч ва манфаат, тенглик, маданиятлар ранг-баранглигига ҳурмат ва умумий тараққиётга интилиш, қарорлар қабул қилишда консенсус тамойилининг ўзгаришлари ва Ташкилотнинг блоклардан холи мақомини сақлаб қолиш, унинг очиқлиги, учинчи мамлакатларга қарши қаратилмагани, иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий салоҳиятидан қатъий назар, барча иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва суверенитетини ҳурмат қилишга қатъий риоя этиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Хозирги кунда ШҲТ ҳамжиҳатлиги заифлашишига йўл қўймаслик муҳимдир. Биз “ШҲТ оиласи” жиқслигини кучайтиришимиз, биргаликда ривожланиш тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиб, очилаётган янги имкониятлардан максимал даражада фойдаланишимиз зарур.

Бунинг учун бизда барча шарт-шариоитлар мавжуд. Жаҳон аҳолисининг 40 фоиздан ортиги, глобал ялли ички маҳсулотнинг чорак қисмидан кўпроги мамлакатларимиз ҳиссасига тўғри келади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу беқиёс салоҳиятни рўёбга чиқариш биздан иқтисодий шерикликнинг янги моделларини шакллантириши ва ШҲТ доирасида барқарор ривожланишнинг узоқ муддатли кун тартибини ишлаб чиқишни талаб этади.

Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон 2030 йилга бориб, миллий иқтисодиёт ҳажмини икки баробар оширишга қаратилган чуқур ўзгаришларни давом эттирмоқда. Бунга, аввало, инновацион ва юқори технологияли тармоқларни шакллантириш, “яшил” ва рақамли технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергетика улусини тубдан ошириш ҳисобидан эришишга интиляймиз.

Хурматли ҳамкасблар! Бизнинг нуқтаи назаримиз бўйича ШҲТ олдида турган энг долзарб вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

**Биринчи.** Глобал даражада ишонч тақчиллиги мисли кўрилмаган даражага чиққан шариоитда умумий хавфсизлигимизни таъминлашда янги ёндашувларни излаш зарурати ўсиб бормоқда. Шу боис, хозирги пайтда умумий хавфсизлик ва тараққиёт йўлидаги ҳамжиҳатлик бўйича биз илгари сурган Самарқанд ташаббусининг аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

ШҲТнинг Яхши қўшничилик, ишонч ва трансшегаравий шериклик кодексига қабул қилиниши хозирги янги шариоитда мулоқотни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

**Иккинчи.** Иқтисодий соҳада ҳамкорлик бўйича стратегик юксалишга эришиш. Ўзбекистоннинг Ташкилотга аъзо давлатлар билан савдо айланмаси ўтган йил якунлари бўйича 20 фоиз, жорий йил бошидан буён эса яна 15 фоизга ўсди.

➔ Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АМАЛИЙ ТАШРИФ БИЛАН ОЗАРБАЙЖОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 5-6 июль кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Шуша шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилотининг “Транспорт ўзаро боғлиқлиги ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш орқали барқарор келажакни барпо этиш” мавзусидаги норасмий саммитида иштирок этади. Саммит давомида кўп томонлама ҳамкор-

ликни, энг аввало, савдо-иқтисодиёт, транспорт-коммуникация ва инвестиция-молия соҳаларида, шунингдек, “яшил” иқтисодиёт, қайта тикланадиган энергетика, иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва инсон капиталини ривожлантириш йўналишларида янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинади.

Делегациялар раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳам кўриб чиқадилар. Тадбир якунида қатор қўшма ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

ЎЗА



### Экспертлар фикри

МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАШКИЛОТ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИГА СОДИҚ ҚОЛИШИ ШҲТНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ РОЛИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 3-4 июль кунлари Остона шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити доирасидаги тадбирларда иштирок этди.



4 июль куни бўлиб ўтган ШҲТ саммитининг асосий тадбирлари Беларус Республикасининг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилиниши билан тарихда қоладиган бўлди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ШҲТ давлат раҳбарлари томонидан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик режаси ҳамда Давлат раҳбарлари кенгашининг Яхши қўшничилик, ишонч ва шериклик тамойиллари тўғрисидаги баёноти тасдиқланди. Президент Шавкат Мирзиёев “Шанхай руҳи”нинг асосий тамойилларига содиқлик ва “ШҲТ оиласи” жиқслигини кучайтириш, биргаликда ривожланиш тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиб, очилаётган янги имкониятлардан максимал даражада фойдаланишга қақирди.

➔ Давоми 3-бетда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

## Бошланиши 1-бегда

ШХТ доирасида савдо жараёнларини содда-лаштириш бўйича битимни ишлаб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз. Хужжатга савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, техник регламентлар ва сертификатлаш, фитосанитария ва ветеринария назорати тизимларини яқинлаштириш бўйича қўшма чора-тадбирларни киритиш мумкин.

Бундан ташқари, трансегаравий электрон тижоратни ривожлантириш бўйича жаҳондаги тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳада амалдаги рақамли савдо платформаларини интеграцияни кўзда тутуви ҳамкорлик дастурини тайёрлашни таклиф этамиз.

Учинчи. Саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш.

Энг аввало, инфратузилма, саноатнинг юқори технологияли тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ўзаро инвестицияларни рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Бунда ушбу лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини пухта ўйлаб кўриш, ШХТ Жамгармаси ва Тараққиёт банкини ташкил этиш масаласини кўриб чиқишга қайтиш мумкин.

Тўртинчи. "Шарқ — Ғарб" ва "Шимол — Жануб" йўналишлари бўйича инкловиз транспорт тизимларини шакллантириш мақсадларимиз иқтисодий салоҳиятини самарали ривожлантириш имконини беради.

Алоҳида таъкидлаб айтман: транспорт йўлларини кўп вариантли бўлиши — бу бутун минтақамиз барқарор ривожланишининг энг муҳим шартидир.

Шунингдек, Логистика жараёнларини рақамлаштириш режасини ишлаб чиқиш, шу жумладан, мамлакатларимиз чегаралари орқали ўтadиган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотларнинг электрон алмашувини ташкил этишни таклиф қиламиз.

Бешинчи. ШХТ маконида замонавий ва ишончли энергетика инфратузилмаларини кенгайтириш.

Биз Ўзбекистонда "яшил" энергетикани жадал ривожлантириш бўйича катта дастурни қабул қилдик. Йилга икки гигаватт қувватли кўш ва шамол электр станцияларини ишга туширмақдамиз. Саноат даражасида "яшил" водород ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш бошланди.

Қайта тикланадиган энергетикага инвестиция ва технологияларни жалб этишни рағбатлантириш бўйича ҳамкорликнинг комплекс режасини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Олтинчи. Жадаллаштирилган рақамли трансформация.

Бизнинг фикримизча, рақамли иқтисодиётга ўттиш, "суяний интеллект"ни, илгор IT-қорларни жорий этиш мамлакатларимиз рақобатбардошлигига ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Шу борада биллилар, тажриба ва энг яхши амалиётлар алмашуви, IT-паркларнинг тизимли ҳамкорлигини ривожлантириш мақсадида "ШХТ

кеलाжак технологиялари" дастурини ишлаб чиқиш тарафдоримиз.

Еттинчи. Ижтимоий ривожланиш ва ҳимоя соҳасида ШХТ мамлакатлари ҳамкорлиги бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Ишончим комилки, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш ва ҳудудларни, биринчи навбатда, қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни амалга ошириш 2030 йилгача мўлжалланган энг муҳим мақсадларга эришиш йўлида умумий ҳисса бўлади.

Саккинчи. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва уларни етказиб бериш имкониятларини номма-ном ақс этирилган мамлакатларимизнинг агросаноат соҳасидаги салоҳияти ҳақидаги маълумотларни бирлаштирадиган "ШХТ озик-овқат хавфсизлиги атласи" қўшма электрон платформасини ишлаб чиқиш мақсада мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хурматли йилгилиш иштирокчилари! Хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф ва хатарларга қарши курашишда мамлакатларимиз ваколатли органлари фаолиятини яқиндан мувофиқлаштиришни, шу жумладан, ШХТнинг Минтақавий аксиптерор тузилмаси йўналишида давом эттириш зарур.

Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган ва минтақавий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатадиган қўшни Афғонистондаги вазият ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Афғонистоннинг ҳозирги маъмурияти билан муносабатларни ўрнатиш борасидаги ёндашувлар турли экани маълум. Аминманки, Қобул билан мулоқотларни сақлаш бутун минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт борасидаги манфаатларига мос келади. Тобора кўпроқ давлатлар бунни тушуниб етмоқда.

Шу муносабат билан, "ШХТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳининг фаолиятини қайта тиклаш ҳақидаги таклиф ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Хурматли делегациялар раҳбарлари! Саммитимиз ШХТнинг доимий фаолият юритувчи органлари — Пекин шаҳридаги Котитбият ва Тошкент шаҳридаги Минтақавий аксиптерор тузилмаси Ижроа қўмитаси ташкил этилганига 20 йил тўлган йилда ўтмоқда. Қисқа даврда улар шерикликнинг самарали механизми сифатида мустақкам қарор топди ва кўп томонлама институтлар ўртасида муносиб ўрин эгаллади.

Биз ШХТни янада ривожлантириш жараёнлари тарафдоримиз ва Ташкилотимизнинг фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги таклифни қабул қилишга тайёриэмиз.

Сўзининг якунида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислики Хитой Ҳалқ Республикаси қабул қилиб олаётгани муносабати билан хурматли Си Цзиньпин Жаноб Олийларига билдирилган табрик сўзларига қўшиламан.

Ўзбекистон ШХТ доирасида кўп қиррали шериклигини янада кенгайтиришга содиқ эканини яна бир бор тасдиқлайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

## Бошланиши 1-бегда

Давлатимиз раҳбари мулоқотни мустақкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида ШХТнинг Яхши кўшничлик, ишонч ва трансегаравий шериклик кодексини қабул қилишга қақирди.

Иқтисодий йўналишда стратегик юксалишга эришиш учун ташкилот доирасида савдо тартиб-таомилларини соддалаштириш тўғрисидаги битимни, амалдаги рақамли савдо платформаларини интеграция қилган ҳолда электрон тижорат соҳасида ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Саноат кооперацияси дастурларини қўллаб-қувватлаш доирасида ўзаро инвестицияларни, энг аввало, инфратузилма, саноатнинг юқори технологик тармоқлари ва хизматлар соҳасига жалб қилишни рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш мақсада мувофиқлиги қайд этилди.

Бундай лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратиш, жумладан, ШХТ Жамгармаси ва Тараққиёт банкини таъсис этиш масаласини кўриб чиқиш мумкинлиги таъкидланди.

Ўзбекистон етакчиси ШХТ мамлакатларининг иқтисодий салоҳиятини самарали ривожлантиришга хизмат қиладиган "Шарқ — Ғарб" ва "Шимол — Жануб" йўналишларида инкловиз транспорт тизимини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, логистика тартиб-таомилларини рақамлаштириш, жумладан, ШХТ мамлакатлари чегаралар орқали олиб ўтилаётган товарлар тўғрисида электрон маълумотлар алмашувини ташкил этиш режасини ишлаб чиқишни таклиф этди.

Ташкилот маконида замонавий ва ишончли энергетика инфратузилмасини кенгайтириш мақсадида қайта тикланадиган энергетикага инвестициялар ва технологияларни жалб қилишни рағбатлантириш бўйича комплекс ҳамкорлик режасини тайёрлаш ташаббуси билдирилди.

Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз рақобатбардошлигини таъминлашда рақамли иқтисодиётга ўттиш, "суяний интеллект" ва илгор IT-ечимларни жорий этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлади. Шу муносабат билан ушбу соҳада билли ва илгор тажриба алмашиш имконини берадиган "ШХТ келажак технологиялари" дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди.

Ўзбекистон Президенти ШХТ мамлакатлари ўртасида ижтимоий ривожланиш ва ҳимоя соҳасидаги ҳамкорлик бўйича "йўл харитаси"ни қабул қилиш имкониятини кўриб чиқишни таклиф қилди.

Аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш ва ҳудудларни, биринчи навбатда, қишлоқ жойларни ривожлантириш бўйича аниқ вазифаларни амалга ошириш 2030 йилгача мўлжалланган энг муҳим мақсадларга эришиш йўлида умумий ҳисса бўлиши таъкидланди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва уларни етказиб бериш имкониятларини номма-ном ақс этирилган мамлакатларимизнинг агросаноат соҳасидаги салоҳияти ҳақидаги маълумотларни бирлаштирадиган "ШХТ озик-овқат хавфсизлиги атласи"

қўшма электрон платформасини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилди. Бунга БМТнинг Озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертларини жалб этиш таклиф этилди.

Минтақавий хавфсизлик масалаларига тўхталар экан, давлатимиз раҳбари замонавий хавф ва хатарларга қарши курашишда мамлакатларимиз ваколатли органлари фаолиятини яқиндан мувофиқлаштиришни, шу жумладан, ШХТнинг Минтақавий аксиптерор тузилмаси йўналишида давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон етакчиси Марказий Осиёнинг ажралмас қисми бўлган ва минтақавий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатадиган қўшни Афғонистондаги вазиятга алоҳида тўхталди.

Президентимиз Афғонистоннинг ҳозирги маъмурияти билан муносабат ўрнатиш борасидаги ёндашувлар турли эканини қайд этиб, Қобул билан бутун минтақавий хавфсизлиги ва иқтисодий тараққиётни манфаатларига жавоб берадиган мулоқотни давом эттиришга қақирди. Шу маънода, "ШХТ — Афғонистон" мулоқот гуруҳининг фаолиятини қайта тиклаш ҳақидаги таклиф ҳамон долзарб бўлиб қолаётгани кўрсатиб ўтилди.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари ХХР Раиси Си Цзиньпинни Хитой Ҳалқ Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислик миссиясини қабул қилгани билан табрикланди.

Йилгилиш якунида хужжатларни имзолаш маросими бўлди. Хусусан, Остона декларацияси ва ҳамкорликнинг турли соҳаларида шерикликини янада мустақкамлашга қаратилган муҳим кўп томонлама хужжатлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ШХТ давлат раҳбарлари томонидан Ташкилотга аъзо мамлакатларнинг халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик режаси ҳамда Давлат раҳбарлари кенгашининг Яхши кўшничлик, ишонч ва шериклик тамойиллари тўғрисидаги баёноти тасдиқланди.

Шу кунни Президент Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида "ШХТ плюс" форматининг "Кўп томонлама мулоқотни мустақкамлаш — барқарор тинчлик ва тараққиёт сари интилиш" мавзусидаги учрашувида ҳам қатнашди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар делегациялари ва унинг доимий фаолият юритувчи органлари раҳбарларидан ташқари кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мамлакатлар етакчилари, фахрий меҳмонлар, БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида кенг тарқабдаги "ШХТ плюс" йилгилиши айна вақтида ўтказилаётганини таъкидлади.

— Ҳозир дунё ишонч, адолат ва ҳам-жаҳатлик қайта тикланишига ҳар қачон-гидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезмоқда, — деди Президентимиз.

Бугунги глобал жараёнларга баҳо берадиган, давлатимиз раҳбари сиёсий ва иқтисодий "параланишлар", рушлар ва жоқаролар халқаро муносабатлар тизими асоси ва ҳал қилувчи тамойилларнинг емирилишига олиб келаётганини қайд этди.

# ИШОНЧ ВА ҲАМЖИҲАТЛИККА АСОСЛАНГАН ШХТ САММИТИДА МУЛОҚОТЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

— Қарама-қаршилиқ ва протекционизм жаҳон иқтисодиёти парчала-ниши ва етказиб бериш занжирлари узилишига сабаб бўлмоқда. Мамлакатларнинг савдо, молия, сармоя, техно-логия ва инновациялар трансфери соҳаларидаги самарали ҳамкорлигида тўғрилик қиладиган янги ажратувчи чегаралар вужудга келмоқда, — деди Президент.

Таъкидланганидек, "ушбу муаммоларни ҳал қилишнинг ягона йўли — умумий хавфсизлик, тараққиёт ва фаровонлик учун саъй-ҳаракатларимизни бирлаштиришдир".

Ўзбекистон раҳбари ШХТ ҳар доим халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва БМТнинг марказий му-вофиқлаштирувчи ролига таянадиган кўп томонламалик асосидаги адолатли дунё тартиб-таомиллари бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолаётганини таъкидлади. Шу билан бирга, юзага келган воқеали Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолияти самарасини оширишда янги стратегик ёндашувларни талаб этмоқда.

— Ташкилотимизнинг улкан салоҳияти ҳамда жаҳон сиёсати ва иқтисодиёти-даги ортб бораётган ролига мос келадиган янги мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқиш вақти келди, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ШХТ таъсис этилган даврдан буён замонавий таҳ-дидларнинг табиати ва миқёси сезил-ларни даражада ўзгаргани сабабли хавфсизликни таъминлаш масалалари-да унинг фаолиятининг концептуал асосларига янги нигоҳ билан қарашни таклиф қилди.

ШХТ салоҳиятини мустақкамлашда, жумладан, Хавфсизликка хатар ва таҳ-дидларга қарши кураш бўйича универсал марказни ташкил этишда ушбу омилларни ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Президенти ваколатли ор-ганлар раҳбарлари ва экспертлар ишти-рокида ҳар йили "Хавфсизлик масалалари бўйича ШХТ плюс мулоқоти"ни ўтказиш ташаббусини илгари сурди.

Президентимиз ШХТ маконида сав-до-иқтисодий ҳамкорликини изчил "қайта ишга тушириш", кўп томонлама савдо ва тармоқлар шериклигининг мустақкам асосларини яратиш мумкинлигини таъкид-лади.

Саммит давомида томонлар савдо тар-тиб-таомилларини соддалаштириш ва электрон савдонинг ривожлантириш, техно-логик кооперацияни, шу жумладан, кел-ажак саноати тармоқларини рағбатлан-тириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўришга келишиб олгани таъкидланди.

Бизнес мулоқоти учун самарали плат-формани шакллантириш мақсадида Ўзе-бекистон етакчиси барча шерикларни жалб қилган ҳолда ҳар йили "ШХТ ЭКСПО" халқаро саноат кўргазмасини ўтказишни таклиф этди.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Кўрғаз араб давлатлари ҳамкорлик ке-нгаши, ЕОИИ, АСЕАН ва бошқалар бил-ан иқтисодий ҳамкорликни фаол илгари суриш ва қўшма ташаббусларни амалга ошириш имкониятларини излаш мумкин-лиги қайд этилди.

Бугунги геосиёсий вазиятда ҳудуд-лараро ўзаро боғлиқлиқни қучайтириш учун инкловиз ва интеграциялашган

транспорт-транзит тизимини шаклланти-риш алоҳида аҳамият касб этаётгани таъ-кидланди.

Ўзбекистон Президенти таъкидлагани-дек, экологик муаммолар кучайиб бо-раётган бир шароитда иқлим соҳасидаги ҳамкорлик ШХТ янги кун тартибнинг энг муҳим қисмига айланиши керак. Шу муносабат билан "яшил" тараққиёт со-ҳасидаги умумий мақсад ва вазифаларга эришиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ўз ичига олган Иқлим ўзгаришига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги бит-имини ишлаб чиқиш тақдирини қўллаб-қувватлади.

Бундан ташқари, Тошкентда экологик барқарорлик ва "яшил" ўсиш соҳасида тадқиқотлар олиб борадиган ШХТнинг Иқлим муаммолари бўйича инновацион ечимлар марказини ташкил этиш таклиф қилинди.

Аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ижтимоий ҳимоя масалалари ташкилот кун тартибида марказий ўринни эгалла-ши лозим, деди давлатимиз раҳбари. Шу маънода, келгуси йили Самарқанд шаҳ-рида Келажак саммити мақсадларига эри-шишга муносиб ҳисса қўиши учун БМТ шафелигида барқарор ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича глобал конференция-ни ўтказиш режалаштирилгани маълум қилинди.

Мамлакатимиз етакчиси цивилизация-лараро мулоқотнинг ноёб моделини илгари суриш ва биргаликда мустақкамлашга қақирди. Қайд этилганидек, "халқлари-мизнинг бой маданият-тарихий ва маъна-вий мероси, анъаналари, урф-одатлари ва турмуш тарзи — бу ўзаро ишонч кўприги-ни, яхши кўшничлик ва яқин дўстлиқни мустақкамлашга хизмат қиладиган қуд-ратли ва ҳаётбахш кучдир".

Яқинда қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг "Халқаро цивилизациялар ўртасида мулоқот кучи" резолюциясида айнан шу йўналиш акс этганини таъкид-ланди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон то-монидан илгари сурилган умумий хавф-сизлик ва фаровонлик йўлида ҳамжиҳат-лик бўйича Самарқанд ташаббусининг долзарблиги яна бир бор қайд этилди. Ушбу ташаббуснинг амалга оширилиши барқарор ривожланиш йўлидаги зиддият-ларни енгиб ўтишда цивилизациялар ўр-тасидаги мулоқотни мустақкамлашга хиз-мат қилади.

Маданият, таълим, ёшлар ва сайёҳ-лик алмашувари соҳасидаги дастурларни амалга оширишга ҳам эътибор қаратилди. Хусусан, ушбу йўналишлардаги лойи-ҳаларни тизимлаштириш ва биргалик-да амалга ошириш имконини берадиган ШХТ гуманитар ташаббус ва дастурлари ягона банкни ишлаб чиқиш таклиф этил-ди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг якунида "ШХТ плюс" форматидagi ушбу учрашу-ву яқунлари Шанхай ҳамкорлик ташкило-ти доирасидаги кўп қиррали шериклик ривожига кучли туртки беришига ишонч билдириди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозо-ғистон Республикасига амалий таширфи якунланди.

ЎЗА

# ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ: УМУМИЙ ТУРКИЙ МЕРОСИ АСРАБ-АВАЙЛАШ ВА МУСТАҚКАМЛАШ ЙЎЛИДА

## Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 5-6 июль кунлари Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилотининг норасмий саммитида иштирок этади.

Ташкилот 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Туркий тили дав-латлар ҳамкорлик кенгаши сифатида тузилган. 2021 йил 12 ноябрь кун Туркий тили давлат-лар ҳамкорлик кенгашининг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон ташаббуси билан минтақавий тузилма номи Туркий дав-латлар ташкилоти (ТДТ) деб ўзгартирилди.

Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тур-кия ва Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг аъзо-лари. Венгрия ва Туркманистон эса кузатувчи давлат мақомига эга.

Ўзбекистон Президенти 2023 йил 3 ноябрь кун бўлиб ўтган ТДТ саммитидаги нутқида "Туркий давлатлар ташкилоти бугунги кунда шаклланаётган янги дунё тартибига эга халқаро институтлар тизимида ўзини хос муҳим ўринга эга бўлиб бормоқда. 160 миллион аҳолини қам-раб олган Ташкилотимиз ҳудуди катта иқтисо-дий имкониятлар макони ҳамдир. Бизнинг ма-лакатимиз Ташкилотнинг барча аъзолари билан стратегик шериклик алоқалари ўрнатганини катта мамуният билан айтиб ўтмоқчиман", дея таъкидлади.

Туркий давлатлар ташкилоти аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни муҳокама қилиш ва чу-қурлаштириш, туркий халқларининг яқин муно-сабатлари истиқболларини аниқлаш, ўзаро ишонч, дўстлик, яхши кўшничлик муносабатларини мустақкамлаш, шунингдек, минтақа ва бутун дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни сақлаш йўлида тузилган платформа ҳисобланади.

Давлатлар умумий манфаатларга эга бўлган ташқи сиёсат масалалари бўйича, жумладан, халқаро ташкилотлар ва халқаро форумлар дон-

расида келишилган позицияларни биргаликда ишлаб чиқади, халқаро терроризм ва сепара-тизм, экстремизм, одам савдоси, наркотик мод-даларнинг ноқонуний айланishi ва трансил-лий жиноatchиликка қарши курашиш бўйича ҳа-ракатларни мувофиқлаштириш ҳамда мин-тақавий ва сиёсий, ҳуқуқ-тартибот, ҳарбий-тех-ник, савдо-иқтисодий, энергетика, транспорт, кредит-молия, маданият-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни рағбатлантиради.

Ташкилот аъзолари савдо ва инвестиция, то-варлар, капитал, хизматлар, технологияларнинг эркин ҳаракатланиши ва молия-банк опера-цияларини соддалаштириш учун қулай шарт-ша-роитлар яратиш, минтақада ҳар томонлама ва мувозанатли иқтисодий ўсиш, ижтимоий-мада-ний ривожланишга интилиш ҳамда фан-техни-ка, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ёшлар, спорт ва туризм соҳаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, туркий халқларнинг буюк маданият ва тарихий меросини оммалаш-тиришда ҳамкорлик қилади.

Туркий давлатлар ташкилотининг олий ор-гани Давлат раҳбарлари кенгаши бўлиб, у тузил-мага аъзо мамлакатлар етакчиларининг мунта-зам йилгилишлари шаклида фаолият юритади, долзарб халқаро муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлик масалаларини кўриб чиқади, ўза-ро муносабатларнинг устувор йўналишларини белгилайди, ташкилот фаолиятини таҳлил қи-лади. Давлат раҳбарлари кенгаши йилгилиш йилда бир маротаба ўтказилади. Аъзо дав-латларнинг ташаббуси билан Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдан ташқари ва норасмий йилгилишлари ташкил этилиши мумкин.



Мазкур тузилмадаги Ташқи ишлар раҳ-барлари кенгаши ўз ваколати доирасида Туркий давлатлар ташкилотининг жорий фаолиятини кўриб чиқади ва Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларида муҳокама қилиш учун энг дол-зарб халқаро масалаларни белгилайди. Шу-нингдек, Котитбиятнинг шгат жадавли ва молия-вий ҳисоботини тасдиқлайди.

Ташкилот тарихидаги Юқори даражали мансабдор шахслар қўмитаси Котитбият фаоли-ятини мувофиқлаштириш, улар томонидан иш-лаб чиқилган хужжатлар лойиҳаларини Туркий давлатлар ташкилоти томонидан қабул қилини-ши ва Ташқи ишлар вазирлари кенгаши дара-жасида тасдиқланишидан олдин кўриб чиқади ва тасдиқлайди. Туркий давлатлар ташкилоти Юқори даражали мансабдор шахслар қўмитаси йилгилишлари Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлислари олдиндан қақирлади.

Туркий давлатлар ташкилоти Оксоқоллар кенгаши доимий фаолият юритувчи мақлаҳат институти ҳисобланади. Ушбу ташкилотга аъзо ҳар бир давлат ташқи жамоат ва сиёсий арбо-лар орасидан Кенгашга биттадан вакил (оқсо-

қол) тайинлайди. Бугунги кунда Кенгашга Тур-кия собиқ Бош вазири, Буюк миллат мажлиси депутати Бинали Йилдирим раислик қилмоқда.

Котитбиятнинг фаол бошчилигидаги доимий ижро этувчи орган бўлиб, Давлат раҳбарлари кенгаши томонидан тасдиқланади. Котитбият Истанбул (Туркия) шаҳрида жойлашган.

Бундан ташқари, Туркий давлатлар таш-килоти шафелигида



### Экспертлар фикри

#### Бошланиши 1-бегда

Хавфсизлик, иқтисодий, транспорт, инвестиция, ахборот технологиялари, ижтимоий ривожланиш ва ҳимоя соҳаларида ҳам қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Халқаро экспертлар Остона саммити якунларини шарҳлар экан, Ўзбекистон ШХТ доирасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва чуқурлаштириш ташаббусларидан бири бўлиб қолаётганини, шунингдек, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаётганини таъкидламоқда.



**Минг ЧЕНГ,** Мерзебург амалий фанлар университети ҳузуридаги давлат коллегияси директори, профессор (Германия):

— Мазкур тадбир Ўзбекистон фаол халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилишининг муҳим кўрсаткичидир. Ўзбекистон раҳбарининг саммитдаги иштироки мамлакат минтақавий хавфсизлик, иқтисодий ҳамкорлик ва барқарор ривожланишни таъминлашда муҳим ўрин тутаётганини кўрсатади. Бу, шунингдек, Ўзбекистоннинг терроризм, экстремизм ва хавфсизликка таҳдидларга қарши курашга ҳисса қўшиш қатъиятини яққол ифода этади.

ШХТга аъзо давлатлар билан яқин ҳамкорлик қилиш орқали Ўзбекистон минтақада барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик соҳасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг умумий

иқтисодий ва энергетика бозорини яратиш бўйича ташаббуслари жуда долзарб. ШХТ доирасида савдо ва инвестицияни ривожлантиришга содиқлиги нафақат иқтисодий интеграцияни, балки минтақадаги иқтисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлайди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш ҳам саммитнинг асосий мавзуларига айланди ва Ўзбекистон экологик барқарорликка эришиш тарафдори эканини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистон қўшма экологик лойиҳалар ва барқарор ривожланиш стратегияларини қўллаб-қувватлаш орқали табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш масъулиятини ўз зиммасига олишга тайёргилини намойиш этмоқда.

Гуманитар ва маданий ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон аъзо давлатлар ўртасида маданий алмашинув ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Ушбу сайёҳаракатлар ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни чуқурлаштиришга, минтақанинг тинч ва фаровон келажагини таъминлашга хизмат қилмакда.

ШХТнинг кенгайтиши ва Беларуснинг ушбу тузилмага қўшилиши ҳамда халқаро ҳамкорлар билан алоқалар ҳам Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ташкилотнинг бирлигини мустаҳкамлаш учун янги аъзолар ҳамда ҳамкорлар билан муносабатларга очиқлиги ва тайёргилини намойиш этмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг фаол роли ва саммитнинг асосий мавзуларига қўшган ҳиссаси Ўзбекистоннинг ШХТ доирасида етакчи ва конструктив куч бўлиш қатъиятини тасдиқлади.

# МАМЛАКАТЛАРНИНГ ТАШКИЛОТ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИГА СОДИҚ ҚОЛИШИ ШХТНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ РОЛИНИ ЯНАДА ОШИРАДИ

### Фариза ШАМ, Малайзия Ислом цивилизацияси институти директори:



Уларнинг 75 таси амалга оширилган бўлса, 16 таси амалга ошириш босқичида. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устуниги шундан далolat берадики, расмий Тошкент томонидан ШХТ доирасида илгари сурилган, минтақани барқарор ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар аъзо давлатларнинг миллий манфаатларига тўла жавоб беради, шу тўғрисида улар барча иштирокчи давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шунингдек, мамлакат минтақавий ҳамкорлик, хавфсизлик ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори.

ШХТнинг бу галги саммити ҳам бундан мустасно бўлмади. Унда Ўзбекистон етакчиси барча иштирокчиларни геосиёсий кескинлик ва зиддиятлар кучайган шaroитда ташкилотнинг асосий тамойилларига содиқ қолишга чақирди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ШХТ давлат раҳбарлари томонидан ташкилотга аъзо мамлакатларнинг халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик режаси ҳамда Давлат раҳбарлари кенгашининг Яхши қўшнчилик, ишонч ва шериклик тамойиллари тўғрисидаги баёноти тасдиқланди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ШХТ минтақадаги глобал жараёнларга таъсир ўтказишга қодир энг йирик сиёсий ва иқтисодий иштирокчиларни бирлаштирган нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Унинг платформаси асосий аъзо давлатлар билан тенг ҳуқуқли сиёсий мулоқот ва халқаро ҳамда минтақавий сиёсатнинг кенг қўламли масалалари бўйича фикр алмашишни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Президенти томонидан эълон қилинган бир қатор янги ташаббуслар ШХТ саммитлари доирасида муҳим қарор ва ҳужжатларни қабул қилиш учун мустаҳкам замин яратишда давом этишига ишончим комил.

— Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосчиси ва фаол аъзоси сифатида ушбу ташкилот доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг кейинги стратегиясини белгилашда етакчи ўрнини эгаллайди.

Хусусан, 2017 йилдан буён Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инновацион ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик самардорлигини оширишга қаратилган 91 та ташаббус илгари сурилди.

### Ласло ВАШ, Венгрия халқаро муносабатлар институти президентининг катта маслаҳатчиси:



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг Остона саммити ва унинг доирасида ўтказилган икки томонлама учрашувлардаги иштироки мамлакатнинг кўп векторли ташқи сиёсати нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ШХТнинг фаол аъзоси, бу борада ташкилотнинг кенгайтиши расмий Тошкентнинг роли ва аҳамиятини янада оширади. Шанхай платформаси Ўзбекистон жуда фаол бўлган Марказий Осиё интеграция жараёнлари ҳам таъсир кўрсатади.

Бундан ташқари, муҳим стратегик мақсад — Ўзбекистон иқтисодий ва маданий интеграцияси. Унинг ҳаракатлантирувчи кучи — кўп векторли ташқи сиёсат ва минтақавий интеграция жараёнлари ҳамда тобора

аҳамияти ортиб бораётган “Ўрта йўлак” ҳисобланади. Ўзбекистон нафақат Шарқ — Ғарб муносабатлари тизимида муҳим иштирокчи, балки Афғонистон билан алоқаларнинг прогрессив тизими тўғрисида Шимол — Жануб ҳамкорлигининг калитидир. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг мустаҳкамланиши Ўзбекистоннинг барча лойиҳалари учун мос хавфсизлик асосини яратди.



### Омид РАҲИМИЙ, Шарқ стратегик тадқиқотлар институти илмий ходими (Эрон):

— Ўзбекистон ШХТ ташкил этилганидан буён ташкилотнинг энг муҳим аъзо давлатларидан бири ҳисобланади.

Бу Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиёдаги геосиёсий ўрни билан боғлиқ. Биламизки, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг марказида

жойлашган ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлашда ўрни бекиб.

Мамлакат буюк маданий ва тарихий меросга эга ҳамда маданий йўналишларни белгилайди. Республика 2017 йилдан буён ШХТ, шунингдек, бошқа халқаро ташкилотлар саммитларида фаол иштирок этиб, турли йўналишларда муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда.

Энг муҳим ташаббус транспорт ва логистика соҳасига тегишли. Масалан, Афғонистондаги тинчлик ва фаровонликка ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши, денгизга чиқиш имкони бўлмаган мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилиши мумкин бўлган Трансафғон йўлига қайд этишимиз мумкин.

Ўзбекистонда стартап каби инновацияларга асосланган тармоқлар қўллаб-қувватланганининг гувоҳи бўлишимиз, бу борада ШХТ мамлакатлари ўртасида яхши алоқалар ўрнатилган.

Эроннинг ШХТга аъзолиги Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги даврида яқинига етди. Бундан ташқари, мамлакат ШХТни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

### Эдил ОСМОНБЕТОВ, қирғизистонлик сиёсатшунос:



— Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мақолидаги прагматик сиёсатга эга бўлган энг фаол давлат бўлиб, сўнгги беш йил давомида Президент Шавкат Мирзиёев ШХТ саммитларида кўп ва долзарб ташаббусларни илгари сургани шундан далolat беради.

ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларидан бири минтақавий хавфсизликка таҳдид, хусусан, Афғонистон муаммосидир. Бундай шaroитда Ўзбекистоннинг ўрни юқори бўлиб, у Марказий ва Жанубий Осиёни бирлаштиришга интилади.

Геосиёсий кескинлик шaroитида Ўзбекистоннинг камбағалликка қарши курашиш ва озик-овқат хавфсизлиги масаласини ҳал этиш ташаббуси муҳим аҳамиятга эга. Яқин келажақда минтақа мамлакатларида глобал муаммо бўлган ҳалокатли озик-овқат танқислиги юзага келиши кутилмоқда.

Иқтисодий, сиёсий, транспорт-коммуникация соҳасидаги ҳамкорликнинг глобал муаммоларини ҳал қилиш учун аниқ чора-тадбирлар ва уларни

амалга ошириш тизими зарур. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёев аъзо мамлакатларни ташкилотнинг асосий тамойилларига содиқ қолишга чақирди. Бунинг натижасида ШХТнинг бугунги муваффақиятлари, унинг юксак нуфузи ва халқаро муносабатлардаги роли янада ошади.

“Дунё” АА

## БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИГА БИРГАЛИКДА ЭРИШАМИЗ

Ҳар қандай мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти унга ташрифларда яққол кўринади. Июль ҳам мамлакатимиз учун олий даражадаги ҳамкорлик ташрифи билан бошланди. БМТ Бош котибининг юртимизга келиши, давлатимиз раҳбари билан самарали учрашув ўтказгани кўп томонлама аҳамиятли жараёндир.



**Улугбек ИНОЯТОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракция раҳбари

Ўзбекистон БМТ ва унинг муҳим институти билан яқин ҳамкорлик қилаётган, реал натижаларга эришяётган мамлакатлар қаторига кириди. 140 та қўшма дастур ва лойиҳа муваффақиятли амалга ошириляётгани, мамлакатимиз ташаббуси билан ташкилот Бош Ассамблеясининг 10 та махсус резолюцияси қабул қилингани фикримиз далилидир.

### Нуқтаи назар

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, энергетика лойиҳалари, маҳалла институти фаолияти билан яқиндан танишиб, юртимиздаги ўзгаришларни ўз кўзи билан кўрди. Кўпроқ кўйи тизимдаги одамлар билан мулоқот қилиб, ислохотларнинг инсон ҳуқуқ ва манфаатлари учун нақадар муҳимлигига бевосита амин бўлди.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, соғлиқни сақлаш, сифатли таълим, гендер тенглик, тоза сув ва санитария, арзон ва тоза энергия, муносиб иш ўринлари ҳамда иқтисодий ўсиш, тенгсизликни камайтириш каби вазибалар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ўз ифодасини топган.

Олий даражадаги музокаралар чоғида глобал ва минтақавий тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, Ўзбекистон ҳамда БМТ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати муҳокама қилинди.



Биргаликда глобал кун тартибидеги йирик халқаро анжуманлар, жумладан, озик-овқат хавфсизлиги, туризмни ривожлантириш, камбағаллик ва иқлим ўзгаришига қарши курашиш ҳамда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича муҳим тадбирлар ўтказилмоқда.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Ўзбекистоннинг олий давлат мукофотларидан бири — “Олий Даражали Дўстлик” ордени билан тақдирланганида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Давлатимиз раҳбари жаноб Гутерришнинг Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги юксак

даражага етишига қўшган шахсий ҳиссасини алоҳида эътироф этди. Ўз навбатида, БМТ Бош котиби давлатимиз раҳбарининг минтақавий сиёсатини юксак баҳолади: “Марказий Осиёда тарқоқлик жуда кенг илдири отган эди. Сизнинг фаолиятингиз тўғрисида Марказий Осиё

давомида янги муҳит яратилди. Бу дўстлик, ўзаро ҳурмат, мулоқот, ҳамжиҳатликда масалаларни кўриб чиқиш, минтақада мавжуд бўлган қийинчиликларни енгиб ўтишга асосланган муҳит бўлди. Марказий Осиёни дунё цивилизацияси маркази деб биламан. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Самарқанд ва Бухорога боришининг ўзи кифоя қилади”.

Долзарб мавзу

Аҳолини рўйхатга олиш умумдавлат миқёсидаги кенг қўлланма тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади. Маълумотларга қўра, мамлакатимизда аҳолини рўйхатга олиш сўнги бор 1989 йили ўтказилган. Ҳозирда аҳолимизнинг умумий сони 19 миллион 700 мингга ташкил этган. Янгидан рўйхатга олиш 2022 йилга режа қилинган эди, пандемия сабаб бу ишлар ортага сурилди. Рўйхатга олиш аҳоли сони, жинси ва ёш таркиби, яшаш шароити ва миграциясининг тўлиқ тасвирини шакллантиради. БМТ аҳолини камида 10 йилда бир марта рўйхатга олишни тавсия қилади. Шу миллий сиёсатни ишлаб чиқиш ва режалаштириш, шунингдек, мамлакат ривожланишини кузатиш учун асосий ахборотларни тақдим этишда муҳимлиги билан аҳамиятлидир.



Лутфулла СУВОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Аҳоли тўғрисидаги маълумотлар турли маъмурий манбалар, давлат идоралари маълумотлар базаларида мавжуд. Бироқ уларнинг барчасида ахборот тўлиқ эмас. Уларда номувофиқликлар кўзга ташланмоқда.

Ҳўш, аҳолини рўйхатга олиш қайси жиҳатлари билан аҳамиятли? Мутахассислар аҳолини рўйхатга олиш мамлакат фуқароларига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Масалан, мактаб ёшидаги болалар сони ҳақидаги маълумотлар мактаб қуриш бўйича режаларни мувофиқлаштиришга ёрдам беради, худудлар кесимида қаерда ва қайси соҳада янги иш ўринларига эҳтиёж мавжудлиги, қандай мутахассислар кераклигини билиш учун ишсизлар сони ва уларнинг малака даражаси аниқ бўлиши лозим. Фавқулодда вазиятларда ФВВ ходимлари, шунингдек, шифокорлар аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида зарур ёрдам кўламини белгилайди.

Бу жараён тадбиркорлик ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аҳоли сони ва даромади, турар жойга эҳтиёжи тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ҳолда, масалан, маиший техника қарама-қаршиликлар аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида зарур ёрдам кўламини белгилайди.

Аҳолини рўйхатга олиш макроекономик қўрсаткичларини келгуси 10-20 йиллик даврга прогноз қилиш учун ҳам зарур. Статистик маълумотлар манзилли дастурларни ишлаб чиқиш, фуқаролар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилаларга моддий кўмаклашишда алоҳида ўрин тутаяди.

Шунингдек, маълумотлар давлат мактаблари, кутубхоналар, соғлиқни сақлаш марказлари, энергия ресурслари ва сув таъминотида эҳтиёжни кўрсатиб беради. Бу жараён натижалари ҳукумат томонидан маҳаллий ҳокимият органлари ахборотини зарур бўлган маблағ миқдорини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

— Республикада демографик жараён ҳолатини ўрганишда аҳолини рўйхатга олиш муҳим, — дейди Тошкент давлат иқтисодий университетининг доценти Шерали Султонов. —

Маълумотларга қўра, Ўзбекистонда дастлабки аҳолини рўйхатга олиш жараёни 1897 йилда ўтказилган, ушбу тадбир маълумотлари XIX аср охирида юртимизда мавжуд оилалар, аҳоли сони, аҳолининг ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Кейинчалик бу жараён бир неча бор ўтказилган. Аҳолининг ривожланиши унинг таркибий тузилиши, хусусияти ва демографик жараёнларнинг узлуksиз равишида ўзгариб бориши таъсирида содир бўлади.

Шу ўринда савол туғилади. Аҳолини рўйхатга олиш қандай фойда келтиради ва уни кечиктириш нимаси билан хатарли?

— Аҳолини рўйхатга олиш жуда муҳим тадбир, — дейди Статистика агентлиги бошқарма бошлиғи Қобил Бердиқулов. — Шу би-

Унда бу тадбирни ўтказиш учун Статистика агентлиги масъул этиб белгиланди. Мазкур қонунга мувофиқ, аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш, уни ўтказиш ва натижаларини эълон қилиш тартиблари белгилан берилди. Аҳолини рўйхатга олиш тадбири доирасида кадастр маълумотлари ҳам янгиланиши кутилмоқда, чунки статистика органлари нафақат аҳолини, балки уй-жой фондиди ҳам рўйхатга олади.

Айни пайтда ҳар бир маҳалланинг 2022 йилда бошланган схематик режаси, яъни харитаси кадастр ташкилоти ходимлари билан биргаликда тайёрланмоқда. Унга олти мингдан ортиқ ходим жалб қилиниб, хонадонларнинг рақамланиш ҳолати, бузилган ёки янги қурилатган уйлар хатловдан ўтказилди.

Бу жараён ҳозир яқини боқсаяди. Турар жой фондиди рўйхатга олиш асосида тўлиқ рақамли харита ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Бунинг учун турар ва нотурар жой бинолар, корхоналар ва бошқа объектларнинг сони ва ҳолатини аниқлаш лозим. Бу маълумотлар кейинчалик аҳоли пунктлари инфратузилмасини режалаштириш учун асос бўлади.

Бундай тадбир қўллаб мамлакатларда ўтказилди. Хусусан, Германияда 2011 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижалари асосида ҳукумат мамлакат турар жой фондиди тўлиқ манзарасига эга бўлди. Бунда турар жой тури (хонадон, хусусий уй, ётоқхона), хоналар сони, иситиш тизимининг мавжудлиги ва тури ҳисобга олинган.



Давлатимиз раҳбари фармони қабул қилинган 2019 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг қиймати 120 миллион доллар атрофида эди. Ушанда бу жараённи қоғоз шаклида ўтказиш режаланган, лекин рақамлаштириш кенг жорий этилиши натижасида бу қиймат икки баробар қисқариши кутилмоқда.

2021 йилда мамлакатимизнинг тўртта худуди — Тошкент шаҳрининг Яшнобод, Андижон вилоятининг Хўжаобод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманлари ҳамда Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида синов тарихида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказилди. Бу тадбир уч йил ҳисобда бўлди. Яъни интернет тармоғи, қоғоз шаклида ва планшет қурилмаси орқали.

Синов натижаларига қўра, қоғоз шакллари тўлдириш ва улардан маълумотларни



жой ва нотурар жой бинолар рўйхати шакллантирилди. Ушбу тадқиқот натижаларига қўра, уй ҳўжалиқларининг 17 фоиздан ортиғи рўйхатга олиш рақамига эга эмаслиги аниқланди. 30 мингдан зиёд бузилган бино хариталарда ҳали ҳам акс эттирилмоқда. Аҳолини рўйхатга олиш учун ушбу камчиликларни бартараф этиш лозим.

Бироқ аҳолини рўйхатга олиш қанчалик ортага сурилса, аҳоли тўғрисида илмий асосланган сиёсат ва инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш имконини берадиган муҳим маълумотларни олиш имкониятидан шунчалик узоқлашади. Мамлакат бўйлаб фаол қурилиш ишлари олиб борилаётгани ҳисобга олинса, 2022 йил август ойида тузилган аҳолини рўйхатга олиш хариталари ўз аҳамиятини йўқотди. Сезиларли кечикиш қўллаб услубий ҳужжатлар ва ўқув материалларига янгиланиш талаб қилади.

Бундан ташқари, кечиктириш ходимлар ва аҳолини рўйхатга олишга тайёрлик жараёни учун ҳукумат томонидан киритилган инвестиция йўқотилишига олиб келади. Натижада аҳолини рўйхатга олишдан манфаатдор томонларга унга тайёрлик кўриш учун ресурсларни сафарбар қилиш қийин бўлиши мумкин.

Президентимизнинг жорий йил 4 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳўзурдаги Статистика агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан Статистика агентлигида 2025-2026 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишларини ташкил этиш вазифаси юклатилган.

Жумладан, қутилаётган жараёни аҳолига батафсил тушунтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларида фойдаланиш учун видеоролик, баннер, флаер ва буклетлар тайёрлаш, 2021 йилда ўтказилган синов натижалари ва халқаро экспертлар тавсиялари асосида аҳолини рўйхатга олиш саволномалари шакллари тақомиллаштириш каби вазифалар белгиланган.

Агентлик халқаро тажриба ва экспертларнинг тавсиялари асосида "Аҳолини рўйхатга олиш" ахборот тизимини тақомиллаштириш ва рўйхатга олиш натижалари чиқувчи жадваллар мануалларини шакллантириш, аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режасини ишлаб чиқиш керак.

Аҳолини рўйхатга олиш 2025-2026 йилларда ўтказилиши, натижалари эса 2026-2027 йилларда тайёрланиши ва эълон қилиниши лозим.

Бундан ташқари, 2025 йил охиригача Статистика агентлиги қишлоқ ҳўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказишга тайёрлик кўриш ва уни амалга оширишга доир услубий ҳўжажатларни ишлаб чиқиш керак. Бу мамлакат аграр сектори ҳолати — ер участкалари ҳажми, ер эгаллиги, ердан фойдаланиш турлари, майдонлар, суғориш, чорва моллари, жалб қилинган меҳнат ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги ресурсларини акс эттирувчи тадқиқотдир.

2027-2028 йилларда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида рўйхатдан ўтказиш ишларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳўқуқий ҳўжат лойиҳасини тайёрлаш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, бу тадбир жуда катта ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, эртанги истиқбол, юртимизнинг келгусидаги иқтисодий ривож учун муҳим аҳамиятга эга. Шундай экан, бу жараёни сифатли ва тўлиқ қамров билан ўтказишда ҳар бир фуқаронинг фаоллиги зарур.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ 2025-2026 йилларга мўлжалланган ушбу жараённинг БИЗ УЧУН АҲАМИЯТИ НИМАДА?

лан бирга, у катта маблағ ва меҳнат талаб қиладиган жараён. Бунда нафақат аҳоли сони, балки миллий таркиби, ёши, яшаш шароити, иш билан бандлиги, уй-жой, рўзгор буюмлари билан таъминлангани каби қўллаб демографик, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни қамраб олади. Дундаги қўллаб давлатлар аҳолисини ҳар 10 йилда рўйхатга олиб боради. Чунки аҳоли тўғрисидаги ишончли маълумот манбаи шу йўл орқали йингилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу жараённинг зарурати ҳақида 2017 йилга келибгина гапирила бошланди. Афсуски, охириги 35 йилда бу тадбир ўтказилмади. Шунинг учун бу кун тартибдаги долзарб масалалардан бири саналади. Шу мақсадда 2019 йил 5 февралда давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишнинг ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони имзолади.

Фармонда аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий ва методик принциплари, дастурий-техник таъминоти ҳамда маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга тайёрлик кўриш, уни ўтказиш жараёнларидаги масъулиятини янада ошириш борасида қатор вазифалар белгиланди. Ҳўжат билан ушбу тадбирни 2022 йилда ўтказиш белгиланган эди. Бироқ юқорида айтиб ўтганимиздек, коронавирус пандемияси сабаб бу мuddат ортага сурилди.

2020 йил 11 ноябрда "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Халқаро экспертларнинг қайд этишича, турар жой фондиди рўйхатга олиш зарур. Чунки у аҳолининг шахсий ҳаёти ва соғлигини яқин ҳўра қилади. Олинган маълумотлардан кўп мақсадлар, жумладан, уй-жой этишмаслигининг сабабларини ўрганиш ва муаммони қандай ҳал қилиш чораларини топиш учун фойдаланилади.

электрон тизимларга кўчириш жуда кўп вақт ва маблағ талаб қилади. Шу боис, Статистика агентлиги миллий даражада аҳолини рўйхатдан ўтказиш учун қоғоз шаклдан воз кечишга қарор қилди.

Синов натижалари ушбу жараёни электрон шаклда ўтказиш тезроқ, ишончли, самарали ва иқтисодий жиҳатдан камҳарж эканини кўрсатди. Шунга асосан, 2025-2026 йилларда аҳолини рўйхатга олиш ишлари интернет тармоғи ва планшет орқали ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ҳисоб-китобларга

кўра, бу тадбирларга 800 миллиард сўм атрофида маблағ сарфланиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, юртимизда рақамлаштириш борасидаги ишлар самарасидан далолат беради, албатта.

Белгиланган маблағнинг асосий қисми ушбу тадбирларда иштирок этиши қутилаётган 63 минг фуқаронинг меҳнатига ҳақ тўлаш, муайян қисми техник асбоб-ускуналар, жумладан, планшетлар сотиб олишга сарфланади.

Бу жараён бошқа мамлакатларда қандай ташкил этилиши, яъни халқаро тажрибани ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг юртимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Жамғарма билан биргаликда Беларусь, Озарбайжон, Туркия, Қозғистон каби давлатларнинг илгор тажрибалари ўрганилди.

Яна бир муҳим жиҳат, бугунги кунда ўқий ёки ишлаш мақсадида оиласи билан хорижда бўлган юртдошларимиз бор. Рўйхатга олиш бошлангандан кейин улар бевосита Статистика агентлиги сайти орқали кириб, ўзлари ва оила аъзолари тўғрисидаги маълумотларни киритиши мумкин. Ҳарбий хизматни ўтаётган, жазони ижро этиш муассасаларида бўлган фуқаролар ҳам бевосита ўша ердаги мутаасаддилар билан ҳамкорликда рўйхатга олинади. Бу маълумотлар ҳавфсизлиги кафолатланган.

Шунингдек, агентлик томонидан аҳолини рўйхатдан ўтказишга тайёрлик кўриш жараёнида республиканинг барча кичик туманлари схематик хариталари янгиланиб, турар



Фармонда аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий ва методик принциплари, дастурий-техник таъминоти ҳамда маълумотларни қайта ишлашнинг технологик жараёнларини синовдан ўтказиш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг аҳолини рўйхатга олишга тайёрлик кўриш, уни ўтказиш жараёнларидаги масъулиятини янада ошириш борасида қатор вазифалар белгиланди.

Асаларичилик МАШАҚҚАТЛИ, АММО ДАРОМАДЛИ

Ҳозир асаларичиликда энг долзарб палла. Чунки шифобахш асал йнгиш учун қўлай муҳит ва шароит муҳим ўрин тутаяди. Шу боис, ушбу йўналишни асосий даромад манбаига айлантирган тадбиркорлар асалари қутиларини кўчириб юриш орқали самарадорликка эришади.

Қизилтепа туманидаги асаларичиликка ихтисослашган "Акмал шифо асали" фермер ҳўжалиги раҳбари Умид Муродов ҳам айни вақтда 200 га яқин қўтинни Нурота туманидаги гул нектарига бой яйловларда парвариш-ламоқда.

— Асалари — ҳақиқий хазина. Унинг асали, захри, прополиси кўп хасталикларга даво, — дейди Умид Муродов. — Муми санотимизда зарур ҳомашё. Баҳорда асаларилар учун қўпайиш жараёни билан бирга асал йнгиш мавсими бошланади. Ҳозир бу йнгиш дастлабки ҳосилини олиш арафасидамиз. Бир асалари оиласидан ўртача 20-25 кило махсулот олинади. Кейинги жараёнда асалари қутиларини пахта далалари яқинига кўчиради. Асалари гўза гуллари чанглатиши билан бирга кўп миқдорда бол ҳам беради.

Асаларичилик нектар йнгиш учун қўлай жой топиш ва тайёр асални йнгиб олишдан-

чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига қўра, мамлакатимизда асаларичилик тармоғини замонавий илмий ёндашувлар асосида ривожлантириш, асаларичилик фаолиятини самарали ташкил этиш учун янада қўлай шароит яратиш, қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда асалари билан чанглатиш амалиётини кенг жорий этиш назарда тутилган.

Ҳар бир соҳага илмий ёндашув ривожланишига асос бўлиши амалиётда ўз исботини топмоқда. Эътибор қилайлик, вилоятда олдинги йилларда фақат асалариларнинг маҳаллий зоти парваришланиб, ҳосилдорлиги ўртача 10-12 килони ташкил қилар эди. Илмий ўрганишлар натижасида хориждан "Карпат" зотли она асалари келтирилиб, парвариши йўлга қўйилиши натижасида ҳозир ҳар бир асалари оиласининг ҳосилдорлиги 2-3 баробар ошди.

Бугун "Акмал шифо асали" фермер ҳўжалигида насли она асаларилар ҳам кўпайтирилиб, нафақат вилоят ҳудудидagi субъектларга, балки қўшни вилоятларга ҳам етказиб берилмоқда.

— Асаларичиликка ихтисослашган ҳар бир ҳўжаликда наслилик йўналиши билан

алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Навоий вилояти асаларичилар ассоциацияси раиси Улугбек Муродов. — Ёш она асаларилар махсус қўтичада парваришланиб, кўпайтириб борилади. Янги келтирилган асалари зотларини шу тарзда маҳаллий шароитга мослаштирямиз. Албатта, бунинг учун билим ва кўникма зарур. Шунини инобатга олган ҳолда, асаларичилик ҳўжаликлари махсус қўлланмалар билан таъминланиб, ўзаро тажриба алмашиш йўлга қўйилган.

Асаларичиликни ривожлантириш, аҳоли ва тадбиркорлар меҳнати самараси ўлароқ, ҳозир вилоятда асал етиштириш ҳажми йилга 1200 тоннага етди. Натижада 2016 йили асал махсулоти аҳоли жон бошига 700-800 граммдан тўғри келган бўлса, 2024 йил бу кўрсаткич 1,1-1,2 килони ташкил этмоқда.

— Асаларичилик — сердаромад соҳа. Шунинг учун аҳоли, айниқса, ёшларнинг ўзини ўзи банд қилишида ушбу йўналиш алоҳида ўрин тутаяди, — дейди Улугбек Муродов. — Ҳозир икки, тўрт ёки ундан ортиқ асалари қўтини билан хонадонда оилавий тадбиркорликни йўлга қўётганлар кўп. Тажрибали асаларичилар билан



бирга уларга зарур тавсиялар бериб бормоқдамиз. Сабаби, асаларичиликнинг ўзига хос машаққатлари ва нозик жиҳатлари бор. Шунинг учун энди шуғуллана бошлаётганларга тажрибали мутахассислар кўмаги зарур. Туманлар бўйича мутахассисларни жалб қилганмиз. Улар ўз ҳудудидagi асаларичиларга мунтазам маслаҳат ва тавсиялар бериб боради.

Бугун асалари нафақат шифобахш махсулот йнгиш, балки қишлоқ ҳўжалиги экинларини табиий чанглатиш ва мўл ҳосилдорликка эришишда ҳам муҳим омили бўлмоқда. Соҳага илмий ёндашувлар эса юқори самарадорликни таъминламоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

# ЎЗБЕКИСТОН — ДУНЁЁ ЁШЛАРИ НИГОҲИДА

Эътироф



**Давлатимиз раҳбари халқаро минбарларда ёшлар учун қулай имконият яратиб, улар ўртасида ўзаро ишонч муҳитини шакллантириш, муштарак мақсадлар сари интилаётган йигит-қизларнинг аҳил ва иноқ бўлиши учун кўплаб концептуал, ташкилий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга таклиф ҳамда ташаббусларни илгари суриб келмоқда.**

Ана шу таклиф ва ташаббусларнинг амалдаги ифодаси сифатида ташкил этилаётган форум ва фестиваллар ёшларни ўзаро дўстлик руҳида камол топтириш, бу борада стратегик ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқиш, мамлакатлар ўртасидаги алоқа ва ўзаро ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, мазкур фаолият кўламини кенгайтиришга замин ҳозирламоқда. Юртимизда кўтаринки руҳда ўтказилган

Бутунжаҳон ёшлар фестивали 100 га яқин давлатдан келган салкам минг нафар иштирокчини эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириб, қизгин мулоқот майдони яратди. Азалий муносабатларни раванг топтириш, иқтисодий, маънавий, маданий ҳамкорликни кучайтириш борасида фикр алмашилгани, ҳамкорлик йўлига қўйилгани фестивалнинг аҳамиятидан дарак беради.

## Шабнам Карим РАХИМЗОДА, Тожикистон Республикаси ҳукумати хузуридаги Ёшлар ишлари ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари:

— Бутунжаҳон ёшлар фестивали Ўзбекистон ёшларининг фаоллиги ва ташаббускорлигини яна бир намоён этди. Биз бу фестивалда кўҳна ва навқирон Самарқандни янгида кашф қилдик. Қадимий шаҳар миллий анъана ва қадриятлари, урф-одатлари, салимий ва меҳмондўст халқи билан барчанинг эътирофига сазовор бўлди.

Ўзбекистонда ёшлар сиёсати оид ислохотлар билан тўлиқ танишиб чиқдим. Айниқса, таълим соҳасидаги ишлар катта таассурот қолдирди. Мамлакатингиз ёшлари бирлашиб, инновацион гояларни илгари сурмоқда. Уларнинг ҳар бир таклифи ва ташаббусини давлатингиз раҳбари қўллаб-қувватлайди. Фестивалда бу жиҳат яна бир бор ўз аксини топди.

Ўзбекистон ёшлари билан мулоқотлар ва улар тақдим этган лойиҳалар бизга кўплаб янги гоя ва ташаббуслар учун илҳом берди. Ушбу фестиваль келажакда янада кўп ҳамкорлик қилиш ва биргаликда ривожланиш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Бутунжаҳон ёшлар фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тажрибаси келгуси ишларимизда асқатиши шубҳасиз.



## Назрин ГАСИМОВА, Кўшилмаслик ҳаракати Ёшлар ташкилоти менежери:

— Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳрлари менда катта таассурот қолдирди. Юксак савияда ташкил этилган Бутунжаҳон ёшлар фестивалида юртингиз йигит-қизлари кўрсатган меҳмондўстлик ва самарали мулоқот ташкилотимиз учун катта аҳамият касб этди. Ёшлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи бу фестиваль навқирон авлод вакиллари дунёқарашини кенгайтириш, ўзаро фикр алмашиш ва гояларни bosқичма-bosқич амалга оширишга замин ҳозирлайди.

**Бу фестиваль ёшлар ўртасида миллий қадриятлар алмашинувиغا хизмат қилиши баробарида дунёқарашини ўхшаш, интеллектуал салоҳиятли, шижоатли ёшларни эзгу мақсад атрофида бирлаштирди.**

## Ивамото КЭКО, Japan ISMN Agency раҳбари:

— Фестиваль доирасида биринчи марта Ўзбекистон — Япония ёшлар форуми ўтказилди. Унда QS рейтингининг илгори 500 талигига кирувчи олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари маърузачи сифатида иштирок этди. Ўзбек ёшларини қизиқтирган мавзулар бўйича муҳокамалар ташкил қилинди. Биз ўз тажрибамиз билан ўртоқлашга олганмиз ва ўзбекистонлик ёшларни Япониядаги илмий тадқиқотлар билан таништирилганидан хурсандимиз. Ўрнатилган алоқалар келажакда янги лойиҳалар ва ташаббусларни ишлаб чиқишда ёрдам беришига ишончим комил.



## Бубакари МАЙГА, Ислам ҳамкорлик ташкилоти департаменти бошлиғи:

— Фестиваль юқори савияда ташкил этилгани ва унда қатнашганларнинг иштироки, билимдонлиги мени ҳайратга солди. Бу Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати ва маданиятини дунёга танитиш борасида катта қадамдир. Ушбу тадбирда Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва мамлакатингиз ёшлари ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамлангани муҳим натижа бўлди.



## Девид ЧУА, Сингапур Миллий ёшлар кенгаши бош ижрочи директори:



— Мазкур фестиваль юксак савияда ташкил этилгани билан эътиборга молик. Ўзбекистон ёшларининг фаоллиги, ижодий ва инновацион ёндашувлари бизни ҳайратга солди. Ёшлар сиёсати соҳасидаги ютуқлар ва яратилган имкониятлар катта таассурот қолдирди. Бутунжаҳон ёшлар фестивалида дунёнинг турли нуқтасидан келган йигит-қизлар янги стартап лойиҳалар, таълим, тиббиёт, спорт, ахборот технологиялари йўналишларини ривожлантиришга қаратилган гояларини илгари сурди.

Фестивалда турли мамлакатлардан келган ёшлар билан тажриба алмашиш ва янги дўстлик алоқаларини ўрнатиб имконияти биз учун катта аҳамият касб этди. Ўзбекистон ёшларининг келажакда ишончи ва уларга кўрсатилаётган кўмак бизни илҳомлантирди. Ушбу фестиваль келажакдаги ҳамкорликлар учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Фестиваль ёшлар ўртасида миллий қадриятлар алмашинувиغا хизмат қилиши баробарида дунёқарашини ўхшаш, интеллектуал салоҳиятли, шижоатли ёшларни эзгу мақсад атрофида бирлаштирди. Фестиваль доирасидаги учрашувлар, панель сессияларда илгари сурилган таклиф ва гоялар ёшларнинг ўз устида ишлаши ва ташаббусини ўртоқлашиши асносида дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

## Шоҳрух ҚўЧҚОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси хузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси:



— Самарқанд шаҳрида старт олган Бутунжаҳон ёшлар фестивали иштирокчиларни бетакор таассуротларга ошно этди. Турли мамлакатларнинг иқтидорли, етакчи ёшлари, энг аввало, Ўзбекистонда навқирон авлод вакиллари учун яратилган шарт-шароит ва имкониятларини, ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини эътироф этди. Дунё ёшлари фикр алмашиши асносида ўзаро алоқа ўрнатди.

Ўзбекистон мазкур фестивални ташкил этиш орқали турли давлатлар ёшларига таълим, тадбиркорлик, инновация, экология ва ахборот технологиялари стартапларига оид глобал лойиҳаларни муҳокама қилиш, илгари суриш ва амалга ошириш учун қулай платформа яратиб бергани эътиборга молик.

## Довлатгелди ДУРДИМУҲАММЕДОВ, Туркменистон Ёшлар ташкилоти марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Юртингизда ўтказилган Бутунжаҳон ёшлар фестивали мени ҳайратга қолдирди. Ўзбекистон ёшларининг фаоллиги, ташаббускорлиги ва уларга яратилаётган кенг имкониятлар билан яқиндан танишдик. Туркменистон ва Ўзбекистон ёшлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ўрнатилди. Ўзаро тажриба алмашиш ва янги гояларни ўрганиш биз учун жуда муҳим. Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати соҳасидаги ютуқ ва ташаббуслари таҳсинга сазовор. Бу фестиваль эса келажакда янада самарали дўстлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

## Акинте ЧХАРТИШВИЛИ, Грузия Таълим, фан ва ёшлар вазирлиги бошқармаси бошлиғи:

— Самарқанд, Хоразм, Бухоро, Тошкентда бўлиб ўтган фестивалда иштирок этиш таклифи учун вазирлигимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман. Ушбу тадбир дунёнинг турли ҳудудидан келган ёшлар умумий муаммоларини ҳал этиш учун қандай бirlaшиши мумкинлигини кўрсатди. Тошкент бизга фикр, тажриба ва маданий анъаналар алмашиш учун ажойиб платформа тақдим этди.

Фестиваль кунлари барқарорлик, инновациялар, экология ва ижтимоий адолат билан боғлиқ кўплаб долзарб мавзуларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўлди. Биз узоқ муддатли ва самарали ҳамкорликка айланадиган алоқалар ўрнатдик. Ўзбек ёшларининг юқори даражадаги профессионаллиги ва ғайратини алоҳида қайд этмоқчиман. Халқингизнинг янги гояларига очкилиги ва ижодий ўзгаришларга интилиши чуқур ҳурмат ва ҳайратга лойиқ.

**ЎЗБЕК ЁШЛАРИНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ПРОФЕССИОНАЛЛИГИ ВА ҒАЙРАТИНИ АЛОҲИДА ҚАЙД ЭТМОҚЧИМАН. ХАЛҚИНГИЗНИНГ ЯНГИ ҒОЯЛАРГА ОЧИҚЛИГИ ВА ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ИНТИЛИШИ ЧУҚУР ҲУРМАТ ВА ҲАЙРАТГА ЛОЙИҚ.**



## Энес ЭМИНЎҒЛУ, Туркия ёшлар ва спорт ишлари вазири ўринбосари:

— 2024 йилги Бутунжаҳон ёшлар фестивали Тошкентда юксак савияда ўтди. Бу фестивалнинг ташкил этилиши ва унда қатнашиши менда чуқур таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг ёшлар сиёсати соҳасидаги ютуқлари ва ташаббуслари ниҳоятда таъсирли. Ушбу фестиваль ёшлар орасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва янги имкониятлар яратиб учун муҳим платформа бўлиб хизмат қилди. Ўзбекистон ёшларининг фаолияти ва келажакда ишончи бизни ҳам илҳомлантирди. Ушбу фестиваль давомида ёшлар ўртасида мустаҳкам дўстлик ришталари пайдо бўлганига аминман.

## Адам Адли АБД ҲАЛИМ, Малайзия ёшлар ва спорт вазири ўринбосари:

— Бутунжаҳон ёшлар фестивали, албатта, юксак савияда ташкил этилган. Тадбир давомида турли мамлакатлардан келган ёшлар билан тажриба алмашиш ва янги дўстлик алоқаларини ўрнатиб имконияти биз учун жуда қимматли бўлди. Ўзбекистон ёшларининг илм-фан, технология, спорт ва маданият соҳаларидаги ютуқлари бизни қўйиб қолдирди. Ушбу фестиваль ҳамкорликнинг янги йўналишларини очиб берди ва келажакда биргаликда ишлашга ундади.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.




Қадрият

БАХШИСИ БОР ЭЛ — ДОТИР ЭЛ



Қора бахшидан тўрт ёш кичик — 1938 йилда туғилган. Музработ туманидаги Меҳригиёх маҳалласида яшаб, ижод қилди. Чори бахши ёшлиғиданоқ отаси Умир бахшига эргашиб, 10-12 ёшларида дўмбира чертиб, термалар куйлади. Натيجада 15-16 ёшларида терма ва достонларни мустақил айта бошлади.



Чори бахши ўз устида тинимсиз ишлайдиган, бахшичилик санъатини эъзозлайдиган, бу санъатнинг давомийлигини таъминлаш иштиёқида тинимсиз меҳнат қиладиган ижодкор, устоз бахши шоир эди. У бир неча таниқли шоғирлар етиштирди. Шулардан Абдумурод бахши Раҳимов, Расул бахши Умиров “Ўзбекистон халқ бахшиси” фахрий унвонига сазовор бўлди.

бир неча шоғир етиштирган устоз бахшилардир. Дарёдил инсонлар эди. Эшигини қоқиб

Боймурод бахши ва Жаҳонгир бахши Қораев, Дифр бахши Расулов, Азизбек ва Сарвар бахши Расулов ҳозирги кунда республика, вилоят, туман кўрик-танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Умировлар сулоласининг бошидан кечирган йиллариға ҳавас қилиб бўлмайди, — дейди Расул бахши Умиров. — Суягимиз меҳнатда қотган. Лекин бир умр тўйга ҳам юрдиқ, қора меҳнат ҳам қилган бўлсак-да, отамерос дўмбирадан кўнгил узолмаганмиз. Бобом, отам айтган, халқ маҳлиё бўлиб ўн соатлаб тинглаган достонларнинг кўпи ёзиб олинмаган. Кўплаб олимлар, фольклоршунослар, достон ихлосмандлари ҳам уларни эшитмаган. Улуг бахшилар бой меросини ўзлари билан чин дунёга олиб кетди. Бизни курсанд қиладик, кейинги йилларида бахшилик мактаби ташкил этилди ва ўнлаб, юзлаб бахши-оқинлар етишиб чиқмоқда, мамлакатда халқро миқёсдаги фестиваллар ўтказиш йўлига қўйилди. Бу кўнгилни тоғдек кўтарди.

Расул бахши Умиров 15 дан ортиқ достон, 30 дан зиёд халқ термасини ёддан билади. Фольклоршуно олимлар ундан 6 та достонни ёзиб олган. 2012 йилда “Санамгул”, “Малла савдогар” достонлари ва 2019 йилда “Оилавий сулола” китоби чоп этилган.

— Хар бир бахшининг ўз ижод йўли, ижро услуби, чертими, мавзуси, анъанаси бор. Бахшилар ўз ихлос манабига бўлган дўмбирга агаб бир вақили ўз йўлини яратиб бораётгани кувонтиради, — дейди Расул бахши Умиров.

Музработ туманида 2023 йилда Умировлар музейи ташкил этилган бўлиб, мазкур маънавият марказида сулола вақиларининг дўмбирлари, асарлари, маросим либослари, улар ҳақида ёзилган монографиялар ва кўпсанмалар кўпи олган.

Музейга лавон эшагинини кўшишда, га бағишланган термасини келганларга жўшиб-жўшиб қўйиб беради: Одам Ато тўғонини тешангандур, Мошо Ҳаво торларини тешангандур, Шайтон лавон эшагини кўшишандур, Бир майдонга сўйлагин-да, дўмбирам, Расулни ҳам ўйлагин-да, дўмбирам...

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Раҳматли Ўзбекистон халқ бахшилари Қора бахши ва Чори бахши Раҳимовларнинг набираси, Расул бахши Раҳимовнинг ўғли Боймурод бахши Қораев дўмбира чертиб айтди: **Бу дунёси, дўстлар, каптархонадир — Бири қўниб, бири учиб борадир...** Саратон кўёши киздиради. Супада ёнбошлаган кўйи набирасининг дўмбира чертиси, нағмаси, димоғ билан куйлагич овозини кузатиб турган Расул бахшининг кўнгли жойига тушади.



Шерободлик Мардонакул бахши Авлиёқулов, акаси Қора бахши Умиров, дўсти Қодир бахши Умировни ҳам ўзига устоз деб билди.

— Чори бахши ҳам амакчим, ҳам устозим эди. Кейинчалик ришталар янаям мустаҳкамланди. Унинг қизи билан тақдиримни боғлаганидан сўнг менга қайнота ҳам эди. Репертуарида 30 дан ортиқ достон ва 100 дан зиёд терма мавжуд. Умрининг сўнгги йилларида “Устоз бахшининг дуоси” шеърлар тўплами чоп этилди. Фейли кенг — Деҳқонободнинг, Шерободнинг яйдоқ даштларидек улугвор одам эди, — дейди Ўзбекистон халқ бахшиси Расул бахши Умиров. — Менга 2015 йилда “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвони берилди. Шунда жуда ўнғайси ҳолатга тушиб қолганман. Устозим қолиб, менга аввал унвон берилганидан унинг кўзига кўринмасликка ҳаракат қилардим. Бир куни қанча тайинласа ҳам қизининг уйига қадам ранжида қилавермайдиган Чори бахши ўзи топиб келди. Ер чизиб ўтирдим. Билинтермасликка ҳаракат қилиб, кулганча бирова олдин, бировага кейин, деди. Орадан икки йил ўтиб, ҳақиқат юз очди. 2017 йилда Чори бахши ҳам “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвонини олди. Шунда менинг ҳам юзим ёруғ бўлди, кўнглим ёришди.

БИР МАЙДОНГА СЎЙЛАГИН-ДА, ДЎМБИРАМ

Деҳқонобод тумани Етимқудуқ қишлоғида 1960 йилда туғилган Расул бахши Умиров олти-етти ёшларга тўганида оиласи Музработга кўчиб келди. Аввалига ота издан кетиб, дўмбира кўтариб, от мингашиб, тўйма-тўй юрмади.

Музработдаги қишлоқ хўжалиги билим юртида тракторчи ва машинист курсида ўқиди, даладан бери келмади. Тракторнинг, яйдоқ дашту шамолнинг овозини эшитиб юраверди-юраверди. Шу овознинг остида гўдақлигидан қўлогига синган дўмбира куйи доим янграгандек бўлаверарди. Охир-оқибат бобомерос бахшичилигини тутиб кетди. Ҳозирги кунда у Музработ тумани маданият марказидаги бахшичилик тўғрагага раҳбарлик қиладди, шунингдек, тумандаги 21-болалар мусиқа ва санъат мактабига ёшларга бахшичилик сирларидан дарс бериб келаётган.

— Умировлар бахшилар сулоласи сифатида эл-улуста мавлур. Сурхондарё, Қашқадарё бахшичилиги санъатида устоз-шоғирди анъанасини давом эттираётган ва ўзларидан кейин

БИР МАЙДОНГА СЎЙЛАГИН-ДА, ДЎМБИРАМ

келганларга меҳмондўст, ёш шоғирларига сира меҳнатини аямайди, — дейди таниқли бахши, Гулистон шаҳрида ўтказилган III Халққаро бахшичилик санъати фестивали ғолиби Илҳом Норов. — Ўзим бахшилар авлодидан бўлмасам ҳам шу сулоланинг фарзандидек улгайдим. Ўзларидан борини ўргатишди. Қора бахшидан, Чори бахшидан, Расул бахшидан шу анъананинг сир-асрорларини ўрганганман.

Бугунги кунда Умировлар сулоласидан халқ бахшиси унвонини олганлардан фақатгина Расул бахшигина ҳаёт. Расул бахши Умировнинг шоғирдлари — “Ниҳол” давлат мукофоти совриндори Илҳом бахши Норов, Қаҳҳор бахши Умиров,

келганларга меҳмондўст, ёш шоғирларига сира меҳнатини аямайди, — дейди таниқли бахши, Гулистон шаҳрида ўтказилган III Халққаро бахшичилик санъати фестивали ғолиби Илҳом Норов. — Ўзим бахшилар авлодидан бўлмасам ҳам шу сулоланинг фарзандидек улгайдим. Ўзларидан борини ўргатишди. Қора бахшидан, Чори бахшидан, Расул бахшидан шу анъананинг сир-асрорларини ўрганганман.

Бу бахшичилик дегич боқий анъана энди ўлмайди. Энди янада гурқираб, гуллаб-яшнайдди. Одамзодда кўнгил бор экан, бу санъат давом этаверади.

Утган асрининг бошларида Деҳқонободнинг бийдек яланглиқларидаги Етимқудуқ қишлоғида Умир исмли девкелбат бахши ўтди. Унинг отасини Сафар бахши, дер эдилар. Яхши черттир бўлган. Умир Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида, қўшни Тожикистон, Туркменистонда донг таратган етук бахши бўлиб етишди.

Ушандан бу оилада болалар онгига дўмбира қандайдир бир сирли илоҳий куч ва хилқат сифатида сингдирилди.

Умир бахши Шеробод достончилик мактаби асосчиси Шерназар Бердиназар ўғлининг туғ шогирди эди.

Элик йилдан ортиқ муддат мобайнида Қашқадарё ва Сурхон воҳасида бирдай ардоқланди. У халқнинг қувончу шодликларини, рутубатларини, гаму аламларини, орзу-умидларини термаларга достонларга жам қилиб куйлади.

Бу бўёқ димоғ ва дўмбира куйларида элининг Сибирга мардикорга жўнатиш қайғуларини, миллий озодлик кураши оғриқларини, қатагон қурбонларини нидоси, уруш рутубатларини, чўлини ўзлаштириш баҳонаси ортидан элу юртдан олис кенгликларга, биёбонларга кўчириш таассуротлари аскланди.

Дарди бир улус уни суйиб, ардоқлади. Тўйларга Умир бахши Сафаров бориб қолгандай бўлса, курашга йиғилган, кўпқарига томошага чиққан, кўр олиб ўтирган, дошқозон атрофида куйланган бор оломон тур этиб уни ўраб оларди. Шунда эл кайвониси: — Эҳҳе, Умир бахши, кўйинг-э, тўй эгаси бир ниёт қилган, кўпқарини, олишишни,

лапарни тугатиб олайлик, чопогон солимни, полвон совринни олсин, зот тугасин! Сиз дўмбирани бир чертмай туринг энди, — дея гап солиб қоларди.

Каёқда дейсиз, бахши дўмбирасининг чертмилари одамларни маҳлиё қиларди-қўярди...

Бахшининг кенжа ўғли Чори бахши Умиров кейинчалик отаси ҳақида фахр билан термалар, ёдномалар айтарди:

Қашқа-Сурхон элида донг таратган, Қанча терма достонларни яратган, Дўмбирани булбул мисол сайратган, Даврасида халқнинг кўнглин яйратган, Умир шоир отам, менинг устозим.

Бу каптархонага янги фусункор бир кабутарлар кўнар маҳаллар Умир бахши фоний дунёга кўли силтаб, чин дунёга кетди-қолди. Эл-улус ботирликка, келажакка, ёруғ кунларга чорловчи бахшисидан айрилиб, бўзлаб қолгани рост.

Деҳқонободда доврўгли Умир бахшидан қолган бойлиги мунгайиб қолган дўмбираси ва Сувон, Қора ҳамда Чори исмли ўғиллари бўлди.

Шундай кезларда чўлларни ўзлаштириш мақсади билан ўтган асрининг 50-60-йиллари Деҳқонободдан аҳолининг бир қисми куш уса қаноти, одам юрса оёғи куздиган Музработнинг юлғунзорларига мажбуран кўчириб эди. Умир бахшидан қолган фарзандлар кўч-кўрони билан Музработ томон эниб келди.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС

Етти аждоди бахши ўтган Чори бахши Умиров Умир бахшининг кенжаси. Акаси

Мулоҳаза

Миллий қадриятларимизга зид дабдабали, серхашам, серчиқим тўй ва тадбирлар, исрофгарчиликлар деярли кирк йиллардан буюб мени ташишга солади. Бундан чорак аср илгари Қўштепа тумани хотин-қизлар бўлими ташаббуси билан фаоллардан бирининг ўғлини уйлантиришда “юз очди” маросими ҳам тўйга қўшилиб, намунавий тарзда бир кунда ўтказилган эди. Бу эзгу ҳаракат ўша даврдаги вилоят раҳбарларининг қўллаб-қувватлови билан атрофдаги туман ва шаҳарларга, ҳатто бошқа вилоятларга ҳам ёйилганди...

Йиллар ўтиб, тўйлар яна ҳайбаракаллачилик, дабдабозликка айланган, икки-уч кунлаб давом этадиган, тўй олди тадбирлар ҳам кимизарга ўтказиладиган бўлиб кетди. Айримларнинг тўй, ҳатто мотам маросимларини ҳам одамларни “қойил қолдириш”, “ҳайратга солиш”, “қандай мартабага эга экани, бойлигини кўрсатиш” маъносига дабдабали ўтказишга интилиши кучайгандан кучайди. Қадриятларимизга кўра, хонадоннинг ўзида дуои фотиха қилинадиган аза маросими ҳам катта-катта тантаналар саройларида минглаб одамлар иштирокида ўтказилганига нима дейсиз?!

Аҳвол шу даражага келдики, муаммога давлат миқёсида эътибор қаратилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кенгаши ва Олий Мажлис Сенати кенгашининг “Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида”ги қўшма қарори асосида низоми шиллаб чиқилди. 2020 йил 1 январдан кучга кирган мазкур ҳуқуқий ҳужжатда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солишда ижтимоий адолат ва қонунийлик,

миллий урф-одад ва қадриятларга содиқлик, бошқа дин ва миллат вақиларининг урф-одадларини ҳурмат қилиш ҳамда жамоатчилик фикрини инobatта олиш тамойилларига риоя этилиши алоҳида белгилаб қўйилди.

Қўшма қарор ва низомага муносабат билдирган ўртамайна турмуш кечираётганлар бу адолатли иш бўлганини таъкидласа, айримлар мазкур чекловни шахс эркинлигини бўғиш деб атади. Ахир тўй ва бошқа оилавий маросимларни шахсий иш деб бўладими?! Улар маҳалла, меҳнат жамоалари, қариндош-уруғ, хуллас, жамоатчилик иштирокисиз ўтмайди-ку! Бу тадбирларни “шахсий иш”, уларни тартибга солишни “шахс эркинлигини бўғиш” дегувчилар бундай тадбирларни жамоатчилик иштирокисиз ўтказиб кўрсин-чи! Шундай экан, уларни тартибга солишда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг аралашуви адолатли иш бўлди ва буни кўпчилик тўғри қабул қилди.

Шу ўринда фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йилларида мамлакатимизга келиб, бу борадаги тажрибаси билан ўртоқлашган француз тадбиркорининг фикрини яна бир қарра эслатиб ўтмоқчи жоним билдим. Ушанда ўзбекнинг тўйига тақлиф

ЎЗНИ АНГЛАШ ФУРСАТИ ЕТДИ

ёхуд ортиқча харажатсиз тўй қилганимизда энг бой миллат бўлардик



этилган, тўкин дастурхонда меҳмон бўлган, тўйдаги хатти-ҳаракатларни кузатган Бахтияр Лоро бундай фикрга келган ва уни оммавий ахборот воситасида ёритишимизни илтимос қилган эди: “Агар ўзбеклар бу қадар тўкиб-сочиб, исрофгарчилик билан тўй қилмаганида эди, дунёдаги энг бой миллат бўлардик”.

Мулоҳаза қилиб кўрайлик: тўй олди ва тўйдан кейинги ортиқча оврагарчилик ҳамда харажатдан кимга фойдаю кимга зарар? Ота-оналарнинг “белини синдирувчи” чиқим

қилиб, ҳисобсиз меҳмон чақириш билан нимага эришяпмиз?

Низом кучга кирган пайтдан буюб бешинчи йил ўтиб борапти. Хўш, унинг талаблари бажарилмапти? Масъуллар зиммасига юклатилган вазифаларни қай даражада адо этипти?

Кўни кеча хонадонларда хизмат қилиб, тирикчилик ўтказадиган бир оила бошлиғи ҳасрат қилиб қолди: “Қизимизни эл қатори тўй қилиб узатдик. Кейинги тадбирларни ҳам қара-ҳавола билан ўтказдик. Ёшлар яқинда кўпайишди. Аёлим яна дунёнинг буюмини рўйхат қилиб, пул етказолмай жигибийрон бўляпти. Ахир биз аймак-ичмай ўтирмаймиз-ку! Бунақа ишлар бекор қилинди, дейилганда жуда хурсанд бўлгандик. Ҳамон давом этипти экан. Тўғриси, жуда бошимиз қотган. Қиз улгайитганининг жазосими бу?!”

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: тўй ва бошқа маросимларни тартибга солуви мутасаддилар, қаердасиз? Низом талаблари нега бажарилмапти? Бажарилмас экан, нега уни қабул қилдик?

Яқинда Хитойнинг Шандун вилоятида бўлган чоғимизда биз қўним тоған меҳмонхонанинг биринчи қаватидаги ресторонда тўй бўлаётган экан. Ичкарида мусиқа садолари янграб турирди. Эшик олдида тўйи бўлаётган ёшлар — келин-куёв, ота-оналари меҳмонларни кутиб оляпти. Тўй бошланганда қизиқиб, ичкарига қарадим. Нари борса, 60-70 киши бор. Столлар ҳам оддийгина тузаб қўйилган. Таржимон орқали суҳбатлашиб билдимки, келин йиғирма саккиз, куёв ўттиз икки ёшда, бадавлат оилаларнинг фарзандлари экан. Олий маълумотли куёвнинг каттагина ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб, келин шу ерда ишларкан. Ёшлар, оилалар бир-бирини ўрганиб, аҳду паймон қилгач, бор-йўли шу маросимда уларга никоҳ гувоҳномаси топширилиб, турмуш қуришгани

маълум қилиб қўйиларкан. Кейин оилавий ҳаёт давом этавераркан. Ана шундай тўй ўтказадиган хитойликларда қўйди-чиқди деган гап деярли йўқ экан.

Аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатини айтиш керак: мана, неча йилларки, юртимизда акрალიшар никоҳи қайд этилганларга нисбатан 10-12 фоиз кўп. Айримлариға тўйлардаги дабдаба, олди-бердидаги кам-қўстлар, келин ёки куёв томонидан етарли сийлов қилинмагани ва ҳоказолар сабаб бўлаётганини тилга олишининг ўзи ачинарли, уят.

Бир қадрдонимиз “Италияники эмас экан”, дея қудалар мебелини қайтариб юборган, шу сабаб ёшлар тўйи бўлмай туриб ажрашиб кетишгани, бу бир-бирига кўнгил қўйган икки ёшга қанчалар руҳий зарба бўлганини айтиб берганди. Қуда кейин бир бадавлат жойдан келин туширибди, лекин ҳеч қанча ўтмай, оила барбод бўлибди. Айтишча, келин куёвга маъқул келмабди.

Эҳ, ўзбегим-а! Наҳотки, бир буюм инсоннинг кўнглидан, қадридан устун бўлса? Дабдабага ўчлик уч ёшни бебаҳт қилибгина қолмай, икки томон катталарига ҳам қанча моддий-маънавий зарба берган!

Мутлақо ўринсиз ҳою ҳаваслар учун сарфланадиган маблағ энди оила азозларининг, айниқса, болаларнинг сифати оватқаланишига, жисмоний ва маънавий чинқишига йўналтирилса, миллатнинг истиқболи янада умидли бўлади. Олижаноб мақсадлар рўёби, албатта, сизга, менга — ҳаммамизга боғлиқ. Тўй ва маросимларда ўзимизни англаш учун белини маҳкамроқ боғлайлик, азиз замондош!

Хадидяхон КАРИМОВА, Журналистлар уюшмаси аъзоси



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЕЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКҲР QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 2283  
43368 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова  
Мусаҳҳих: Аслиддин Абдуразақов  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй